


# ХАЛҚ АЪВАЖИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 ОКТАБРЬ, СЕШАНБА № 198 (693). Сопида бешта нурхда. 1983 йил.

## 9 ОКТАБРЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сессияда ташкилий масала кўрилади. Ботир Маҳмудов Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. «Ўзсув» уюштуруш концерни раиси бўлиб ишлаб келган Фулом Ҳасанов Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов қатнашда ва нутқ сўзлади.

— Сирдарё меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очик ва саҳоватлидир. — деди Президент нутқида. — Бу ерда ҳар бир миқдор ҳосил нақадар катта ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини яхши биламиз.

Афсуски, кейинги пайтларда вилоятда иқтисодий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўлаётган бўлибди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувиغا, маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлди. Вилоятдаги иқтисодий аҳвол, ишчи ташкил қилиш, муҳим вазифаларни ҳал этиш йўлида халқни, меҳнаткашларни бирлаштириш, уларни бошқариш масалалари текширилди. Нобил раҳбарлар, ишчи ва деҳқонлар, фахрийлар — ҳуллас, юрт юнқуарларининг ҳулласи шу бўлдики,

рилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўли 20—50 фозни ташкил этишини қандай баҳолаш мумкин?

Мен кўп йиллардан бери республикада пахта етиштириш суръатларини кузатиб келаман. Сирдарё вилояти ҳеч қачон пахта тайёрлаш ва сотишда бу йилгидек аҳволга тушмаган, орқада қолмаган эди. Нима бўляпти ўзи? Бир вақтлар Сирдарё вилояти деҳқонлари, миришкорлари ҳаммага ўрнак эди-ку!

Сўнг Президент И. Каримов бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиб берди. Вилоят меҳнаткашларининг раҳбарларга бўлган ишончи йўқолганини, кадрларни ташлашда, аҳолини энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашда, иқтисодий муҳофизат соҳасида, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўпол хатоларга йўл қўйилганини, бу эса одамларнинг кайфиятига ёмон таъсир этганини таъсирли билан таъкидлади.

Қаерда вилоят ҳокими жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор фаоллар билан бамаслаҳат иш тутмаса, уша ерда аҳиллик бў-

натқашлари олдида турган улкан вазифалар ҳусусида тўхтали. Янги сайланган вилоят ҳокими, ноилблар уларни бажариш борасида фикр-мулоҳазаларини баён этди, қўли-қўлга бериб, аҳиллик билан иш-лашларини тилади.

— Сизнинг бугунги аниқ-равшан нутқингиз билан кўп тарихий руҳ бахш этиди, бизни самарали меҳнатга илҳомлантиради — деди вилоят фаоллари номидан сўзга чиққан Бобувт туманидаги «Бобувт» давлат хўжалиги бўлими бошлиғи, кеска пахтакор Музаффар ота Сафаров. — Биз мавжуд камчиликларни бартараф этиш-да, вилоятдаги иқтисодий-иқтисодий вазиятни яхши-лашда бир ёқадан бош чиқараётган ҳаракат қиламиз, вилоят ҳокимлигига ҳар биримиз қўлимиздан келган ёрдамимизни аямиз.

Вилоят кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурақов ҳамда республика вазирликлари, ташкилотлари ва маъмурий органлари раҳбарлари иштирок этди. (ЎЗА).

1993 хўжалик йилида юқори пахта ҳосили етиштирилади. Батан хирмонига 29 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, 31 иш куниде режа уудаланди.

Далаларда ҳали ҳосил мўл, меҳнаткашларимиз давлатга яна 5 минг тонна пахта сотиш ниятида ишчи давом эттириптилар.

Сизнинг ташқи ва ички сиёсатингизни қўллаб-қувватлаб, Ватанимиз тинчлиги ва равиқни йўлида Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик ҳамда давлатимиз тарқиқети борасидаги фаолиятингизда омад тилаймиз.

Олот тумани меҳнаткашлари.

### БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАНИ КОЛХОЗЧИЛАРИГА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, САНОАТ ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, биродарлар!

Сизларни улкан меҳнат зафарингиз — эл хирмонига 29 минг тоннадан зиёд сифатли «оқ олтин» топшириб, йиллик режани республикада биринчи бўлиб бажарганингиз муносабати билан чин дилдан табриқлайман.

Уришилган бу катта муваффақиятда тумандаги қандоқ қўли, заҳматкаш деҳ-

қонларингиз, моҳир сувчи ва механизаторларингиз, барча меҳнат аҳлининг ҳиссаси катта: Сизларнинг ишга масъулиятингиз, омилкорлигингиз ва фидойилигингиз туфайли зўр меҳнат ва ма-шаққат билан етиштирилган ҳосил қисқа муддатларда йиғиштириб олинди.

Туман меҳнаткашларининг бу улкан ютуғи она Ватанимиз равиқни йўлида, мустақиллики мустаҳкам-

лаш йўлида салмоқли қад-дам экани шубҳасиздир. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахт-саодат, хирмонингизга барак тилаймиз, сизларга омад ҳамisha ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 11 октябрь.

### УЛУФ ТҮЙ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейини ўтказиш таъини қўмитасининг мажлиси бўлди. Ушбу республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қўрабеков бошқаришда.

Йиғилишда А. Қодирийнинг ҳовли-музейи таркибига кирувчи иншоотларни лойиҳалаштириш, таъмирлаш, қайта тиклаш, адиб номи билан аталадиган боғ-и обдонлаштириш ва у ерда ёзувчига ёдгорлик ўр-

натиш, «Ўтган кунлар» аса-ри асосида кўп қисмли ба-диий фильм яратилишининг бориши, ёзувчи асарларининг юбилей нашрлари ва етти жилдик академик на-шрини чиқариш борасидаги масалалар муҳофизат қили-ни. Мазкур масалалар юза-сидан ахборотлар тинглан-ди.

### Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўзгартирилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканиннг ҳар тарафлама камол топи-

шини ва жаҳон коммуникация тизими-га киришини жаддалаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувиге асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин:

Кириллча				Лотинча			
Ҳарфлар				Ҳарфлар			
Босма	Ёзма	Талаффуз	Ҳарфлар	Босма	Ёзма	Талаффуз	Ҳарфлар
А а	А а	a	А а	Г г	Г г	ge	Р р
В в	В в	be	В в	С с	С с	es	С с
С с	С с	se	Ц ц	Т т	Т т	te	Т т
Д д	Д д	de	Д д	У у	У у	u	У у
Е е	Е е	e	Э э	Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	he	В в
Ғ ғ	Ғ ғ	ef	Ф ф	Х х	Х х	xe	Х х
Г г	Г г	ge	Г г	Ү ү	Ү ү	ve	Й й
Н н	Н н	ne	Х х	З з	З з	ze	Э э
И и	И и	i	И и	Қ қ	Қ қ	qe	Ч ч
Ж ж	Ж ж	je	Х х	Ў ў	Ў ў	we	Ч ч
К к	К к	ka	К к	Ў ў	Ў ў	we	Т т
Л л	Л л	le	Л л	Ў ў	Ў ў	we	Х х
М м	М м	me	М м	Ў ў	Ў ў	we	(ajdod) (аждод)
Н н	Н н	ne	Н н	Ў ў	Ў ў	we	Ҳ ҳ
О о	О о	o	О о	Ў ў	Ў ў	we	Ҳ ҳ
П п	П п	pe	П п	Ў ў	Ў ў	we	(urdak) (урдак)
Қ қ	Қ қ	qa	Қ қ	Ў ў	Ў ў	we	Ш ш

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрга-

ниш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

## «ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚИ РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқич-ма-босқич ўтилади, бу иш 2000 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш буйича республика Давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади). Республика давлат комиссияси:

— уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юрталарида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқич-ма-босқич ўтишининг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқиса ва ушбу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқига тақдим этсин; 1993—1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқиса ва ушбу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқига тақдим этсин;

— «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашининг ушбу Қарорини рўйхат чикаришда давлат қўмитаси ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органларида услубият ва ахборот бойида мунтазам равишда ардам кўрсатиб бориши; республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбосини жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб бориши.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими назирлиги янги алифбога босқич-ма-босқич ўтишининг давлат дастури ва тартиби асосида:

— лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиса ва тасдиқласин; 1995 йил 1 сентябрдан

эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо буйича машғулотлар ўтказилиши, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августга қадар лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўламақалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини босқич-ма-босқич жорий этишга доир дастури амалга ошириш буйича комиссиялар тусинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасаруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбосини ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўламақалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тусинлар.

8. Болғилаб қўйилсинки, янги алифбосини жорий этишга доир барча чаражатлар мулкчилик шаклидан натижа назар корхоналар, ташкилотларнинг ўз мабларлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда, ундан кейинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбосини жорий этиш маб-садида зарур бўладиган маб-лағларни бюджетдаги таш-килотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳри га ажратилишини назарда тутсин;

1993—1995 йиллар давомида лотин ёзувиге асос-ланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, таш-килотлар, хўжаликлар ва ўқув юрталарида янги алиф-босини факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишининг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўз-бекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабар-дор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амал-даги қонун ҳужжатларини «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни мувофиқлаштириш юза-сидан тақтифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақ-дим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябидан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувининг лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алиф-босига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Веломостлари, 1940 йил, № 4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз-кучини йўқотган деб ҳисоб-лансин.

Ўсупова В. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси-нинг ўринбосари — Комиссия раисининг ўринбосари.

Ғайбуллаев С. Ф. — Ўз-бекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг катта эксперти — Комиссия но-тиби.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев М. У. — Сур-хондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Алламуродов В. А. — Ўзбекистон Қасабга Уюшма-лари Федерацияси Кенга-шининг раиси.

Боқиев М. О. — Самар-қанд вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Дадажонов Д. Д. — Наман-ган вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Ўқубов О. Э. — Ўзбеки-стон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси-нинг раиси.

Жаббаров А. Ж. — Ўз-бекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси-нинг раиси.

Жалилов А. Т. — Ўзе-бекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан ва экология масалалари қўмитасининг раиси.

Жалилов Ш. И. — Тош-кент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Жамол Камол — Ўзе-бекистон Ёзувчилар уюшмаси-нинг биринчи котиби.

Жуманиязов М. Ж. — Хо-разм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Жўрабеков А. Ж. — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳар-рири.

Мардиев А. — Ўзебеки-стон Республикаси адлия ва-зир.

Матқонов О. (Омон Ма-жон) — Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини де-вонининг етакчи консультан-ти.

Мирзаев Т. М. — Ўзе-бекистон Республикаси ФА Адабиёт институтининг ди-ректору.

Муштафоев В. М. — Ўз-бекистон Республикаси Бош прокурори.

Муҳитдинов Н. А. — Ўзбекистон Республикаси ма-даниятининг қўмитасининг раиси.

Оришатов А. С. — Ўз-бекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг би-ринчи котиби.

Раҳимов В. Р. — Ўзе-бекистон Республикаси Уруш

Файзуллоев С. Ф. — Ўз-бекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг катта эксперти — Комиссия но-тиби.

Жалилов Ш. И. — Тош-кент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

Жамол Камол — Ўзе-бекистон Ёзувчилар уюшмаси-нинг биринчи котиби.

Жуманиязов М. Ж. — Хо-разм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Жўрабеков А. Ж. — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳар-рири.

Мардиев А. — Ўзебеки-стон Республикаси адлия ва-зир.

Матқонов О. (Омон Ма-жон) — Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини де-вонининг етакчи консультан-ти.

Мирзаев Т. М. — Ўзе-бекистон Республикаси ФА Адабиёт институтининг ди-ректору.

Муштафоев В. М. — Ўз-бекистон Республикаси Бош прокурори.

Муҳитдинов Н. А. — Ўзбекистон Республикаси ма-даниятининг қўмитасининг раиси.

Оришатов А. С. — Ўз-бекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг би-ринчи котиби.

Раҳимов В. Р. — Ўзе-бекистон Республикаси Уруш





«Маърифат» жаҳонга чиқмоқда

МУХВИРИМИЗ УШВУ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲИДДИН ЖАВБОР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

— Аввало, жамиятнинг ташкил этилиши тарихи ҳақида гапириб берсангиз...

— Бундан уч йил бурун «Маърифат» дорилфунун тузилди, фаолият кўрсати бошлаган эди. Республикада ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, русийзабон фуқароларга ўзбек тилини ўргатиш, турли идораларга ўзбек тилида иш юритишда ёрдам бера бошлади.



Дорилфунун ўзбек халқининг тарихи, бой маданият ва маърифий меросига қизиқувчи талайгина мамлакатлардаги ташкилот, жамият ҳақида фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни йўлга қўйди. Ушбу уюшма «Маърифат» халқаро жамиятга айлантирилди. Унинг Низомини тасдиқланди. Яқинда жамият Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатга олинди.

— Жамият қандай ишлари амалга оширмоқда?

— У тил ўргатиш билан бир каторда, мустақил ўқув-маърифий жамоат бирлашмаси сифатида республикамизнинг қўмиллатли аҳолиси, МДХ ва хорижий мамлакатлар фуқаролари ўртасида ўзбек тили, тарихи, адабиёти, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи ва анъаналарини кенг қўламда тарғиб этиб боради. Шу билан бирга, республика, МДХ ва хорижий давлатлардаги ҳар хил ташкилотлар ҳамда жамиятлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади, халқро анжуман ва учрашувлар уюштириш ҳуқуқига эга. Шартнома асосида ўзбек тили, тарихи, миллий уду ва анъаналари тўғрисида дастурлар, услубий тавсияномалар, ўқув қўлланмалари, видео тасвирлар ҳам тайёрлаб беради. Шунингдек, жамият баъзи турдаги китобларни чоп этиш учун қўшма ва кичик корхоналар ҳам очиниш мумкин. Бу жуда муҳим. Чунки, шунинг натижасида хорижий давлат ноилрлари билан китоб айирбошлаш имкониятига эга бўламиз.

— Хозирги кунда баъзи чет давлатларда фаолият юритаётган уюшма ва жамиятлар

билан алоқалар ўрнатилган. Нью-Йоркдаги «Туркистон» жамияти биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлари ҳақида хабар қилди. Хитой, Германия, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқа бир қанча давлатларда фаолият кўрсатаётган баъзи ташкилотлар билан ҳам алоқалар ўрнатилди. Яъни, улар жамиятимиз низомини билан танишиб чиқишга, ўзлари ҳамкорлик қилишга таклиф этишди.

— Республикаимизнинг ўзнда жамиятнинг фаолият кўриши қай даражада кенгаймоқда?

— Хозирча бешта вилоятда бўлимларимиз очилди. Насиб бўлса, барча вилоятларда ҳам улар фаолият кўрсата бошлайди.

— Шунинг айтмоқчиманки, Латвия, Эстония, Россия, Татаристон, Бошқирдистон, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа қатор республикалардан биз билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирилган хат ва телеграммалар келди. Яқин келажакда жамият низомидан келиб чиққан ҳолда, улар билан шартномалар тузамиз.

— Демак, хулоса қилиб айтганда бўлса, ишларингизнинг ривожини зўр экан-да?

— Аммо бизнинг ҳам ўзимизга яраша бир қатор муаммоларимиз борки, уларни бартараф этмасдан туриб, бутунлай эркин ҳаракат қила олмаймиз. Биласизми, жамият ҳали анча «ёш» бўлганлиги туфайли маблағ масаласида бироз қийналиб

турибмиз. Бундан бир иш қилиш мумкин. Бизнинг эзгу мақсадларимизга хайрихоҳ бўлган ташкилот ва муассасалар имконлари даражасида моддий тарафдан қўмақлашсалар, яқин бўларди. Жамиятимиз оёқига туриб ола, хорижга чиқиб, Ўзбекистонга ўқишга келадиган чет эллик ёшларга ўша ёқнинг ўзнда ўзбек тилини ўргатиш ниятимиз бор. Бу талбир амалга ошса, уларга тил ўргатиш учун кетадиган қанчалар маблағ тежалари. Шу мақсадда хорижий давлатларга 150 дан ортқи мутахассис, бир йил муддат билан ишга боради. Бунинг учун ҳозир мутахассис-ўқитувчиларни танлов асосида саралаятимиз. Шунингдек, улар жамиятнинг маъмур мамлакатдаги бўлимида ўзбек мутахассислари қўмағида видеолавлар ҳамда Ўзбекистоннинг тарихи, урф-одатлари ва маданий мерослари ҳақида ҳикоя қилувчи оммабоп рисола ва брошюраларни ўқиб, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитишарди. Мушкул аҳволга қарамай, мутахассисларимиз ўзбекча-арабча, ўзбекча-инглизча, ўзбекча-немецча ва яна бир қанча тилларда дастурлар тайёрлашди. Ахир, айтишадими, «яқин ният — ярим мол» деб.

— Республикаимиз янги Конституциясининг 58-моддасида шундай дейилади: «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаб, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун кенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради...»

Биз ана шундан келиб чиқиб, яқинда бир қанча муаммоларимизни ҳал қилишда ёрдам беришларини сўраб, ҳуқуқимизга мурожаат қилдик. Иншоолло, тез орада бу мушкулимиз ҳам осон бўлиб қолади.

— «Халқ сўзи» мухбири Фахур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

СУЮҚ МИНЕРАЛ ДАВОЛАЙДИ

ДЕҲҚОНОВОД туманининг Хўжайнак масканда Шифобахш сув ва балчиқ бор. Шифобахш кийилар шу ерда қўрилиб, даволашади. Сувни бўғин, тери шамоллаш касалликларига наф бераётгани боис ёзда тибратчилар кўпайиб кетади. Ҳар йил кунлар совиши билан давола-

нувчиларнинг қадами тортилади. Чунки, салқинда қўрилиш, балчиққа тушиб учун широт йўли. «Қарши-стройиндустрия» бирлашмаси бунинг иложини топди. Бирлашма ўз профилактикаси учун ҳар кун Хўжайнак сувидан машинада келтиришни йўлга қўйди. Сув махсус идишларда иситилгач, ванналарга узатилапти.



Дақиқани ғанимат била.

Маданият янгиликлари

ЭРТАК БИЛАН УЧРАШУВ



Йўлдош Оқибобоев пемдаги республика ёш томошабинлар театри ўз муҳлислари билан бурч, масъулият, юрда меҳр-муҳаббат ситири ахлоқий муаммолар тўғрисида кўпинча эртак воситасида мулоқот қилади.

Чунки, яхшиликнинг ёмонлик устидан тантанаси эртакта жуда мафтункор тарзда намойиш бўлади. Театр Маматқул Ҳазратқуловнинг «Афанди»нинг саргузаштлари» деб аталган эртак пьесаси асосида сахналаштирилган янги спектаклда ҳам бу яққол сезилиб тура-

ди. Спектаклда ўтмиш воқеалари ҳикоя қилинса ҳам, асар ғояси бугунги кунга қаратилган. Режиссёр Омон Шарипов, расом Дониёр Ҳасанов пьесанинг долзарб мавзуси ва замонавий руҳини чуқур ҳис этиб, ажойиб ҳаёбахш томоша яратганлар. Спек-

такль бош қаҳрамони шох Афанди қиёфасига кириб, мамлакат фуқароси қандай яшаётганини, унинг қувонч ва ташвишларини билмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, Афанди қиёфасидаги шох жабрдий-даларнинг ҳимоячисига айланади. У ёлгончилар, ўринлар, қазобларни жазолайди, софдил одамлар қалбида яхшилик ва адолат тантанасига ишонч уйғотади.

— Театр болаларда меҳрибонлик, катталарни иззат қилиш каби фазилатларни тарбиялашга даъват этилган, — дейди режиссёр Омон Шарипов. — Ана шу сифатларни болаларга синдиришда эртак жуда қўл келади. Чунки, у мураккаб қалбга яқин, уни ром этадиган жанр. Шунинг учун ҳам биз эртақлар асос қилиб олинган асарларни жон-дилими билан сахналаштирамиз.

Л. СТРУНИКОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Ҳамкорлик робиталари КОМПЬЮТЕР БОШҚАРАДИ

ЯҚИНДА Туркиянинг «Сера-Текстайл» фирмаси билан Тожикистондаги «Сономия» ҳиссадорлик жамияти ўртасида пахта ва терини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисида шартнома имзолашди. Шу муносабат билан Туркиялик ишбилармонлар Хатлон вилоятининг Дангара туманида бўлишди. Улар бу ерда ип йиғириш фабрикаси қуриш ниятида-лар. Корхонада ўрнатилган ускуналарни компьютерлар бошқаради. Бундан ташқари 700 кишини доний иш билан таъминлаш режалаштирилди. Туркия фирмаси ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишга 30 миллион доллар ажратди.

«Халқ сўзи» аралашма

ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР

Муҳарриратимизга Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Хазорбоғ» давлат ҳўжалиғида илмочи Исмаил Турдиқулов томонидан шикоят хати келганди. Биз уни Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига йўллаган эдик. Яқинда мазкур ташкилотнинг ички ишлар органларида тергов ва суриштирув назорати бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси С. Мухторовнинг имзоси билан қўйилган жавоб хатини олдик: «Фуқаро И. Турдиқуловнинг аризаси қўриб чиқилди. Аниқланишча, 1992 йил 9 апрель кунни кечқурун соат 23 ларга ҳайдовчи А. Аҳмедов «ВАЗ-2106» маркали Д 82—48 СД давлат белгилли автомашинаси бошқариб кетаётган «Хазорбоғ» ҳўжалиғининг 2-булими ҳудудида йўлнинг ўнг тарафда кетаётган Турдиқулов Исоини уриб юбориб, ўзи воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган. Натижала Турдиқулов Исоқ оғир тан жароҳати олиб, шу кунни туман касалхонасида вафот этган.

Ушбу ҳолат юзасидан Денов тумани ички ишлар бўлимида жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Дастлабки терговдаёқ А. Аҳмедовнинг айби туғлиқ исботланган бўлса-да, аммо 1992 йил 14 июль кунни туман ИИБ терговчиси А. Примов жиноят ишини асоссиз равишда ҳаракатдан ётқизган.

Республика Прокуратурасининг топшириғига биноан мазкур жиноят иши Сурхондарё вилоят прокуратурасида ўрганиб чиқилди ва терговнинг қарори асоссиз деб топилди, бекор қилинди. Иш юзасидан қўшимча тергов ташкиллаштирилди. А. Аҳмедов ўзРКнинг 208-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди. Вилоят прокурорининг қарори билан терговчи А. Примовга нисбатан интизомий жавобгарлик иши қўзғатилиб, уни қўриб чиқиш вилот ички ишлар бошқармасига юборилган.

Ушбу жиноят ишининг тергов жараёни республика прокуратураси томонидан назоратга олинди.

ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ

Муҳарриратимизга Каттақўрғон туманидаги О. Маҳмудов номи жамоа ҳўжалиғининг Султўр қишлоғида истиқомат қилувчи Шерали Тошкент Давлат Университети ректорати, ўзбек филологияси факультети жамоаси ўзбек тили кафедраси мудири, профессор К. Назарова укаси Абдуазим НАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор атадилар.

Юсупов томонидан юборилган шикоят хати юзасидан Самарқанд вилоят ҳўжалиғининг биринчи ўринбосари Н. Ҳолиқовдан қўйилган жавоб хати олинди:

«Ш. Юсуповнинг ишдан ноҳақ бўшатилганлиги ҳақида ёган шикоят қўриб чиқилди. Каттақўрғон тумани судининг 1993 йил 11 майдаги қарори ва туман давлат соғлиқ инспекциясининг 1993 йил 24 июндаги 128-рақамли бўйруғига асосан Ш. Юсупов мазкур инспекциянинг лавозимига қайта тикланган».

ЛОҚАЙЛИК КЕЛТИРГАН ҲОЖЕА

Муҳарриратимизга Бухоро вилояти, Олот тумани марказий шифохонасининг жарроҳи Фарҳод Қиличев шикоят хати йўллаган. Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида яшаган Сибғатилла Қиличевнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган баъзи локайд врачлар устидан арз қилганди. Биз мазкур шикоятни Қашқадарё вилоят прокуратурасига тегириш учун йўллаб, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Анавор имзоси билан қўйилган жавоб хатини олдик:

«Фарҳод Қиличевнинг ўлими сабабини аниқлаш учун комиссия султубиёт экспертизаси тайинланган. Эксперт хулосасида наваларда, унинг ўлими касаллик тарихидан маълумотларда яшилганча, қорин бўшлиғи пардаларининг ялғиланиши оқибатида содир бўлган. Ушбу касаллик врачлар томонидан ўз вақтида аниқланмаган. Ф. Қиличевани даволашда, ташхис қўйишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги учун Муборак тумани марказий шифохонаси бош ҳақими Ҳайруллоев, туғруқхона бўлим мудири Маҳмудовларга вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан қаттиқ ҳайфсан, шунингдек, реанимация бўлими мудири Қўлиевага ҳайфсан берилган. Бош ҳақими ўринбосари Чўлиев, кардиолог бўлими мудири Раҳмонов, акушер-гинеколог Аҳадуллоевлар ўз вазифаларидан озод қилинган. Вилоят кордиология диспансери врач Акромов САС навабчилиғидан четлаштирилган. Ушбу қарор вилоят прокуратураси томонидан асосли, деб топилди».

Спорт, спорт, спорт

«НОМАЪЛУМ ЖОЙ» АНИҚ БЎЛДИ

Газетамизнинг 7 октябрь кунини сонда ХШФ поёқчида А. Карпов ва Я. Тимман ўртасидаги жаҳон тожи учун баҳсинг иккинчи қисми қаерда ўтказилиши номаълум бўлиб турганлигини маълум қилган эдик. Бу жаҳон биринчилигининг иккинчи қисми олдин келишилгандек Оман давлатида ўтказилиши керак эди. Бироқ бу мамлакат олдинги вақдаларидан тоқди. Шундан сўнг жаҳон тожи учун курашинг иккинчи қисми қаерда ўтказилишини ҳамда унга ажратилган му-

кофот маблағларини топши масалалари ХШФ зиммасида қолди. 4 октябрь кунини ХШФ бу учрашунинг иккинчи қисми 16 октябрдан давом эттирилажанини ва мукофот жамғармасининг швейцар франкида миллион (706.700 доллардан кам бўлмаслигини) маълум қилишганини ҳамда давлати шунинг ҳақида ҳеч бир ахборот берилмади. Фақатгина, 6 октябрь кунини А. Карпов ва Я. Тимман учрашунинг иккинчи қисми Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилиши маълум бўлди.

Буни айна шу кунни ХШФ президенти Флоренсио Компананес Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида маълум қилди. Бу хабар биринчи марта Россия матбуоти орқали 6 октябрь кунни кечаси, яъни «Халқ сўзи» газетасининг 7 октябрь сонини деярли босмадан чиққаннан сўнг эълон қилинди. Шундай экан айрим муштарийларимизнинг қўнғорқ қилиб: «А. Карпов ва Я. Тимман ўртасидаги баҳсинг иккинчи қисми ўтказилмаган жой олдиндан маълум эди-ку» — деган даъвосини асоссиз деб биламиз.

Р. ЖУМАЕВ.

БУХОРО вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, кўзи ожиз ногиронлар ўртасида ҳам спорт ишларини кенг қўламда ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Яқинда улар Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқарувининг ҳисобига қўри минг сўм маблағ ўтказишганди. Бу маблағ эвазига кўзи ожизлар ўртасида шохмоқ ва рус шаққаси бўйича Бухоро вилояти биринчилиги мусобақалари ўтказилиб, мусобақа Баҳуддин Нақшбанд таваллуд топанининг 675 йиллиғига бағишланди. Рус шаққаси бўйича тўққиз, шохмоқ бўйича саккиз киши мусобақада иштирок этди. Рус шаққаси бўйича 24-кўзи ожиз болаларнинг ўрта

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ТУРНИРИ

махсус мактаб-интернати ўқитувчиси, спорт усталлиғига Номзо Умар Орпов (Бухоро шаҳри) энг юқори натижага эришиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Шу мактаб интернатининг яна бир ўқитувчиси Тоҳир Эргашева иккинчи мукофотли ўрин насиб этди. Шохмоқ турнирида эса барча имкониятдан юз фозидан фойдаланган Мустақим Хамроев биринчи ўринни эгаллади ва Бухоро вилоятининг 1993 йилги чемпиони бўлди. Бу

лар махсус кутубхонаси ходими Зариф Мўминов ҳамда болалар спорт мактабининг шохмоқ бўйича мураббийи Самия Тўғтаева биринчи ва иккинчи мукофотли ўринларини ўзаро баҳам қўришди. Мусобақа голболлар турли босқичдаги дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланишди. Мукофотларни Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси Носир Раҳмонов топширди.

Албар ҲАЙДАРОВ.

Обуна-94

«Халқ сўзи»—Сизнинг газетангиз

Кенса отахон ҳассасини дўқиллатиб тахририят остоначидан ҳатлади: — Волам, Президентимизнинг пенсионерларга имтиёзлар бериш ҳақидаги қарори чиқибди газетингизларда, бир донда беринг. Икисаларда қолмабди-я. Вошча газетларда кеч босилармиш... Орадан икки кун ўтмасдан ўша отахон тахририят дарвозасини яна тақиллатди: — Газетингизларда вазир кечаги фармонини шарҳлаб берганимиз, ҳеч жойдан тополмадим. Шу ерда бир танишиб чиқсам бўладими? — Бу кутлуғ мақоидан одамларнинг қадами узмайди. — Чет эллик ватандошларимизга. Мулоқотга келганми. — Газетингизга Амир Темур муборак

бўлсин! — Ердан оураб, илинж билан келдик. — Телефонлар тинимсиз жириглайди. Почтачи қизимиз кунлик хат ва телеграммаларни олиб учинчи қаватга аранг кўтарилади. Уларнинг барчасида бугунги кунимизнинг нафаси — орзулар, интижишлар, ҳаяжон армонлар... Дарҳақиқат, уч йил давомида газета шаклланиб, ўз қиёфасига эга бўлди, аниқроғи, одамларнинг қалбига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Тахририятга тез-тез қадим ранжидан килдиган отахоннинг гапида жон бор: Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонуни ва қарорлари дастлаб бизнинг газетамизда чоп этилади. Бундан ташқари муштарий Ўзбекистон,

МДХ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти ҳаётига оид турли воқеа-ҳодиса ва хабарлар билан ҳам ўз вақтида танишиб имкониятига эга бўлади. Шунингдек, газетадан йирик олимлар, ҳуқуқшунослар, халқ ҳўжалиғи ҳамма соҳаларининг етакчи мутахассислари чиқилари, фан, адабиёт ва санъат оламининг ранг-баранг кўринишлари ўз инъикосини топади. Мухтасар қилиб айтганда, муштарийни қизиқтирган бирор соҳа газета эътиборидан четда қолмайди. Тўғри, бозор иқтисодиёти жараёнини бардош билан бошдан ўтказаятган ўқувчиларимизга обуна баҳоси оғир туюлиши мумкин. Аслида халқ истаёмол молларининг ҳозирги баҳоси билан таққосланса, маънавий қадриятлар тикланаётганлиги, бу

борада газетанинг беқиёс хизматлари ҳисобга олинса, обуна нархи у қадар юқори эмас.

Обуна баҳоси бу йил тубдангича белгиланди:

- 1 ойга — 1677 сўм
3 ойга — 5031 сўм
6 ойга — 10.062 сўм
12 ойга — 20.124 сўм.

Алалхусус, ҳозир газетангизга қоғоз нархнинг «осмон»далиғи-ю, нашр ҳараматларининг мислсиз ошиб кетганлигини рўнақ қилиб ўтиришининг мавриди эмас. Уларга битта ширин каломимиз бор: «Халқ сўзи» Сизнинг газетангиз унга обуна бўлишни унутманг.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.
Бош муҳаррир: Анавар ЖУРАБОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЯҚЎЗМОВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲДИ, ДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Селовхадди МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлҳамад РИЗАЕВ, Алексаандр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҚҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадҷон ҚОРАБОВ, Саидхоро ҒУЛОМОВ.
● МАНЗИЛИМИЗ: 70000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Павлолчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Павлолчи — М. Холматова.